

шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш ишларини тўлиқ якунлаб электрон маълумотлар базасида тўлиқ ҳисобга олиниши ҳамда давлат солиқ хизматлари органларига тўлиқ тақдим этилиши белгилаб қўйилганлигини таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга, бўлиб ўтган ҳайъат йиғилишида ва бир неча бор ўтказилган селектор йиғилишларида берилган топшириқларга қарамадан **Тошкент вилоятида** ханузгача ишлар тўлиқ ташкил этилмаган.

Жумладан, Тошкент вилоятидан: 5 та Ўртачирчиқ (Дадаматов), Пскент (Расулов), Зангиота (Закруллаев), Бекобод (Турсунов), Охангарон (Алиев) туман филиалларида белгиланган режага нисбатан ишлар кам бажарилган.

Ҳозирги кунга қадар, “Кўчмас мулк-3” дастурига кўчмас мулк эгаларининг паспорт серия рақами ва СТИР рақамларни дастурига киритилиши таҳлил қилинганида Ўртачирчиқ тумани 64,9%, Пскент тумани 49,4%, Зангиота тумани 53,8%, Охангарон тумани 46,8% киритилган бўлса, энг ачинарли ҳолат Бекобод туманида 33,1%га киритилган ҳолос.

Шу билан бирга, жорий йилнинг 15 январ кунга қадар 22 та туман (шаҳар)дан 19 та Окқўрғон туманида 2 213 тадан 2 359 та, Охангарон туманида 3 069 тадан 2 035 та, Бекобод туманида 2 882 тадан 1 230 та, Бўстонлик туманида 4 245 тадан 525 та, Бўка туманида 2 214 тадан 622 та, Қуйичирчиқ туманида 2 492 тадан 1 586 та, Зангиота туманида 8 864 тадан 1 029 та, Юқоричирчиқ туманида 3 143 тадан 3 143 та, Қибрай туманида 6 090 тадан 624 та, Паркент туманида 3 087 тадан 3 357 та, Пискент туманида 1 860 тадан 900 та, Ўртачирчиқ туманида 4 218 тадан 1 058 та, Чиноз туманида 3 029 тадан 1 119 та, Янгийўл туманида 6 083 тадан 3 302 та, Тошкент туманида 8 866 тадан 1 325 та, Олмалик шаҳарда 2 289 тадан 790 та, Ангрен шҳарда 5 959 тадан 4 589 та, Бекобод шаҳарда 496 тадан 496 та, Чирчиқ шаҳарда 436 тадан 720 та турар-жой бўлган кўчмас мулк объектларига нисбатан мулкка бўлган ҳуқуқларни тиклаш ишлари ташкил этилмаганлиги маълум бўлди.

Шу билан бирга ҳозирги кунга келиб, режани Қорақалпоғистон Республикаси 87,8%, Андижон вилояти 89,1%, Бухоро вилояти 97,7%, Жиззах вилояти 100%, Қашқадарё вилояти 84,7%, Навоий вилояти 95,7%, Наманган вилояти 89,7%, Самарқанд вилояти 87,5%, Сурхондарё вилояти 87,5%, Сирдарё вилояти 98,5%, Тошкент вилояти 71,7%, Фарғона вилояти 93,6%, Хоразм вилояти 97,9% га “Кўчмас мулк-3” дастурига хатловдан ўтказилган кўчмас мулк эгаларининг паспорт ва СТИР рақамларини киритилган ҳолатларни кўриш мумкин.

Шундан туман (шаҳар)лар кесимида ўрганиб таҳлил қилинганида, Амударё, Нукус, Кўнғирот, Булоқбоши, Жалақудуқ, Марҳамат, Шаҳрихон туманлари, Дехқонобод, Қарши, Чироқчи, Яккабоғ, Учқудуқ, Чуст, Уйчи, Пастдарғом, Ургут, Охангарон, Бекобод, Ўртачирчиқ, Пскент, Зангиота, Сўх туманлари ва Хива шаҳар дастурга маълумотларни киритишда ишлар ўта сушт ташкил этилган.

Кун тартибида кўрилган масалалардан келиб чиқиб йиғилиш, қарор қилади:

1. Кўмитада жорий йилнинг 16 январдаги кўмита раиси ўринбосари Ш.Ҳ.Ҳабибуллаев бошчилигида бўлиб ўтган селектор йиғилишида берилган таклиф ва кўрсатмалар маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ҳукумат ва кўмитанинг топшириқларини белгиланган муддатларда бажармаганлиги, “Кўчмас мулк-3” дастурига маълумотларни киритишда суштқашликга йўл қўйганлиги сабабли қуйида рўйхати илова қилинган туман (шаҳар)лар “Ермулккадастр” филиаллари раҳбарларининг 6 ойлик иш ҳақидан қонун

хужжатларида белгиланган тартибда ушлаб қолинсин ҳамда натижаси (буйруқ, квитанция нусхалари) кўмига тақдим қилинсин.

Андижон вилоятидан: Булокбоши (Камолов), Жалақудук (Мирзаев), Марҳамат (Абдураззоқов), Шаҳрихон (Худойназаров) туманлари.

Қашқадарё вилоятидан: Дехқонобод (Лалиев), Қарши (Ниёзов), Чироқчи (Мўминов), Яккабоғ (Сафаров) туманлари.

Навоий вилоятидан: Учқудук тумани (Каримов).

Наманган вилоятидан: Уйчи (Пузалов) ва Чуст (Йўлдашев) туманлари.

Самарқанд вилоятидан: Пастдарғом (Исмаев), Ургут (Жалилов) туманлари.

Тошкент вилоятидан: Охангарон (Нодиров), Беқобод (Турсунов), Зангиота (Закруллаев), Ўртачирчиқ (Дадаматов), Пскент (Расулов) туманлари.


Фарғона вилоятидан: Сўх (Назирова) тумани.

3. Хоразм вилояти “Ермулккадастр” ДК Хива шаҳар филиали (Кучкаров)га “Кўчмас мулк-3” дастурига маълумотларни киритиш ишларини яқунлашига 1 ҳафта муддат берилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси “Ермулккадастр” ДК (Камолов)га: Қўнғирот, Амударё ва Нукус туман филиалларига янги тайинланган раҳбар вазифасини бажарувчиларни буйруқлари кўмига тақдим қилинсин.

5. Кун тартибда кўрилган масалаларни бажарилишини назорат қилиш бошқарма бошлиғи Б.Исаметдинов зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш котиби:



М.Исамбаев

